

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ МАЛАКА ОШИРИШ МАЗМУНИ ВА СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

**Гиясова Умида Эрикновна,
Низомий номидаги ТДПУ,**

Аниқ ва табиий йўналишларида хорижий тил кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақола Олий таълим муассасалари педагог кадрларни малака ошириш мазмунни ва сифатини такомиллаштиришга қўйилаётган замонавий талабларга бағишлиланган.

Калит сўзлар: малака ошириш мазмунни, сифат, модернизация, инновацион таълим дастур, малака ошириш жараёнлари, ўқитиши тамойиллари, касбий тайёргарлик, мотивация.

Сўнгти йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва илмий марказларида малака ошириш ва стажировкаларини ташкил этиш, ўқув жараённига замонавий-ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Бу ўз навбатида, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб боришини тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида айнан педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилган.

Замонавий малака ошириш тизими – бу аниқ таълим муассасалари талабларига мос келадиган ва ўқитувчиларнинг мавжуд касбий ва педагогик малакасини ҳисобга оладиган мослашувчан, динамик тизим ҳисобланади. Мазкур жараёнлар, яъни педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнлариумумий-илмий

тамойиллари ва қуидаги ўзига хос тамойиллар тизими асосида амалга оширилиши керак: таълим дастурлари мазмунини ўзгартириш ва тўлдириш имкониятини назарда тутувчи ҳаракатчанлик тамойили; ўқувчилар томонидан ҳам, ўқитувчилар томонидан ҳам яқин, ўрта ва узоқдан ўқитиш истиқболлари тизимини чуқур тушуниш ва хабардор бўлишни талаб қиласиган онгли истиқбол тамойили; ўқувчиларнинг юқори қизиқишини ва ўқитувчининг малакасини назарда тутилган услубий маслаҳатнинг кўп қиррали бўлиш тамойили; ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг субъект-субъект ўзаро таъсирига асосланган паритет тамойили.

Сўнгти йилларда, хусусан, малака ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари га йўналтирилган тадқиқиотлар Ўзбекистон ва хориж мамлакатларида алоҳида йўналиш сифатида шакланиб борди.

Хорижий тажрибалар таҳлилидан кўринадики, Ҳаёт давомида ривожланиш – умр бўйи ривожланишга қаратилган, шахснинг ҳозирги қобилияти ва мувафақияти даражаси билан индивидуал потенциал даражаси ўртасидаги фарқни проксимал ривожланиш зонаси ҳисобланади. Бунда таълим олувчиларнинг ижтимоий қурилиши турлича босқичларни ўз ичига қамраб олади:

1-босқич: когнитив жараёнлар;

2-босқич: умумий ҳиссий-ривожланиш жараёнлари;

3-босқич: (анъанавийлик) ўзининг ва бошқаларнинг нуқтаи-назарларини фарқлаш, бошқаларнинг ҳис-тўйғулари учун жавобгарлик; (аксарият катталар шу босқичда ривожланишда қотиб қоладилар)

4-босқич ("Modernizm"): бошқалар билан мулокотда ажralиб турадиган, ўзини англайдиган, ўз-ўзини бошқарадиган, ҳаётий талабларига эга инсонлардир.

5-босқич ("Postmodern"): ўз ривожланиш даражаси, ҳаётий тажрибалари ҳамда тўсиқларини тан оладиган, рефлексив таҳлил қилиш қобилиятига эга, когнитив ва эмоционал барқарор инсонлар.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш тизимининг энг муҳим таркибий қисми инновацион таълим дастурлари ҳисобланади. Улар ўқув режалари, фан дастурлари ва бошқа ўқув-услубий материаллар тўплами бўлиб, ўқитувчининг касбий ва педагогик малакаси даражасини оширишга қаратилган инновацион таълим жараёнининг максад ва вазифаларини, тузилиши ва мазмунини, усуслари ва технологияларини белгилайди.

Шу нуқтаи-назардан, малака ошириш дастурларининг хилма-хиллиги билан уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун қуидаги умумий талаблар мавжуд: дастурларнинг тузилиши ва мазмунининг олий таълим муассаси педагог кадрларининг малакасини олиш учун тайёргарликнинг минимал таркиби ва даражасига қўйиладиган Малака талабларига мувофиқлиги; назарий ва амалий машғулотларнинг бирлиги, касбий билимлар ва амалий кўнилмаларнинг ўзаро боғлиқлиги; ўқитишнинг замонавий шакллари, усуслари, воситалари ва технологияларини (масофавий таълим портали) ўзлаштириш, ижодий салоҳиятни ривожлантириш, касбий ва умумий маданият даражасини ошириш; танлов фанлар тизими, индивидуал ўқув дастурлари орқали тингловчилар эҳтиёжларини қондириш.

Инновацион таълим дастурларини ишлаб чиқиша, ўқув материалини танлаш ва тузишда устуворликларни акс эттирувчи ва дастурларнинг мазмуни ва уларнинг амалга ошириш усусларининг мазмунига мос келишини таъминлашга қаратилган муайян асосий тавсияномалар тўпламига амал қилиш керак. Шундай қилиб, фан ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган, инсон капиталидан самарали фойдаланиш масаласи долзарблашаётган мавжуд шароитда ОТМда фаолият юритаётган педагогларнинг замонавий касбий компетентликка эга бўлишлари муҳим

саналади. Бу ўз навбатида ўқитувчининг касбий педагогик малакаси даражасини оширишга, инновацион таълим жараённининг усуллари ва технологияларини очиб берадиган инновацион таълим дастурлари доирасида ўқитишга малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг янгича механизмларини жорий этишни тақазо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси.
2. <https://staff.tiame.uz/storage/users/416/presentations/3KnUhuudnTmxNJB6b6IW8DmvuQ3LEKr5x1QYUUOa.pdf>
3. Mirsoliyeva M.T., Sultonov A. SH., Giyasova U.E. Modern tendencies in development of pedagogical staff's professional development system // Society. Integration. Education. Proceedings of International Scientific Conference. Volume I, Rezekne, – 2015. – P.265-274.
4. Инназаров М.А., Эшмаматов И. А., Кушарбаев Ж.У. Малака ошириш жараёнларида педагог кадрларнинг таълим сифатини ошириш // Республика илмий-амалий анжуман мат. 2-жилд. – Тошкент: 2015. – Б. 283-285.